
РИШТОНЛИК ЗУХРА ТОЖИМАТОВА МЕКСИКАДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Таэквондо WT мухлислари интиқиб кутаётган жаҳон чемпионати яқинлашиб келмоқда. 3 йиллик танаффусдан сўнг ўтказиладиган дунё биринчилигига бу йил Мексиканинг Гвадалахара шаҳри 13-20 ноябрь кунлари мезбонлик қилади. Мусобақа Париж-2024 Олимпиадаси рейтинги учун ғолибга 140 очко тақдим қилиши унга бўлган қизиқишни янада оширмоқда.

Терма жамоамиз мураббийлар штаби мазкур чемпионатда иштирок этадиган таркибни эълон қилди. Қувонарлиси, терма жамоа сафидан риштонлик истеъдодли ёш таэквондочи Зухра Тожиматова ҳам ўрин олди. Зухра Мексикада 46 кг вазнда гиламга чиқади.

Зухра Тожиматова жорий йил август ойида Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтган V Ислон бирдамлиги ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, вилоятимизга мусобақанинг бронза медали билан қайтганди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-10-31 10:12:11